

ЎСИМЛИКШУНОСЛИК

УЎТ: 631.5; 633.8

РИЖИКНИНГ “ПЕНЗЯК” НАВИ РИВОЖЛАНИШ ФАЗАЛАРИ ҲАМДА ВЕГЕТАЦИЯ ДАВРИГА СУҒОРИШЛАР СОНИНING ТАЪСИРИ

Узақов Ғуломжон Оқбутаевич, к/х.ф.ф.д., к.и.х.,
Чариев Шахбос Мардонович,

Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институти,
Эгамбердиев Жаҳонгир Ҳақберди ўғли, магистр,
“ТИҚХММИ” МТУнинг Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти.

Аннотация. Ушбу мақолада кузги рижикнинг “Пензьяк” нави ривожланиш фазалари ҳамда вегетация даврига суғоришлар таъсири баён қилинган. Тадқиқотларда мавсум давомида 5 марта суғорилган вариантда рижикнинг “Пензьяк” нави вегетация даври 219 кунни ташкил этиб, назорат (уруғ суви) вариантга нисбатан 13 кун кеч пишиганлиги аниқланган.

Калит сўзлар: рижик, “Пензьяк”, нав, сув, суғориш, вегетация, ривожланиш фазаси, кун.

Аннотация. В данной статье описаны фазы развития озимого рижика сорта Пензьяк и влияние полива на вегетацию. В исследованиях установлено, что в варианте, который поливали 5 раз за сезон, вегетационный период сорта рижик Пензьяк составил 219 дней, а созревал он на 13 дней позже, чем контрольный вариант.

Ключевые слова: Рижик, Пензьяк, сорт, вода, полив, вегетация, фаза развития, сутки.

Abstract. This article describes the phases of development of the winter camelina variety Penzyak and the effect of irrigation on vegetation. The studies found that in the variant, which was watered 5 times per season, the vegetation period of the camelina variety Penzyak was 219 days, and it ripened 13 days later than the control variant.

Key words: Camelina, Penzyak, variety, water, irrigation, vegetation, development phase, day.

Мавзунинг долзарблиги. Марказий Осиё океан ва денгизлардан олисда жойлашган, қурғоқчил ҳудуд бўлгани сабаб, бу ерда сув манбалари стратегик аҳамият касб этади. Минтақа давлатлари сув ресурслари нуқтаи назардан иккига ажратилади. Қозоғистон, Туркменистон ва Ўзбекистон каби давлатлар «қуйи оқим», Тожикистон ва Қирғизистон эса «юқори оқим» мамлакатлар сифатида кўрилади. Таъминот жиҳатдан биринчи гуруҳдаги мамлакатлар иккинчи гуруҳдаги мамлакатларга боғланган. Хусусан, Ўзбекистонда фойдаланилаётган жами сув ресурсларининг 20 фоизи мамлакат ичкарасида, 80 фоизи эса қўшни Тожикистон ва Қирғизистон ҳудудида шаклланади. Нисбатан камбағал ҳисобланадиган «юқори оқим»даги ушбу икки давлат ГЭС ва сув омборлари қуриш орқали кўпроқ электр энергия ишлаб чиқариш ва уни экспорт қилишдан манфаатдор, бу эса минтақадаги бошқа мамлакатларда қишлоқ хўжалигини сув билан таъминлашда жиддий муаммоларни келтириб чиқаради. Ушбу жиҳат кўп йиллар давомида Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги зиддият ва келишмовчиликнинг асосий илдизи бўлиб келди, сув манбалари сабаб минтақада юзага келган вазиятдан йирик давлатлар сиёсий таъсир кўрсатиш қуроли сифатида ҳам фойдаланди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ҳукумати томонидан олиб борилган «сув дипломатияси» минтақадаги трансгегарвий сув ресурсларидан фойдаланишдаги кескинликни сезиларли даражада юмшатган бўлса-да, ҳозирги кунга

қадар ҳам Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида халқаро стандартларга асосланган сувдан фойдаланишнинг умумий қоидалари ишлаб чиқилмаган. Жаҳон банки экспертлари-га кўра, 2050 йилга бориб Сирдарё ҳавзасида сув ресурслари 5 фоизгача, Амударё ҳавзасида 15 фоизгача камайиши кутилмоқда. 2050 йилда Марказий Осиёда чучук сув тақчиллиги ялпи ички маҳсулотнинг 11 фоизга пасайишига олиб келиши мумкин.

Ўрганилганлик даражаси. Қишлоқ хўжалиги экинлари сифатида рижик экинига қизиқиш унинг уруғларида 40-46% мой мавжудлиги билан боғлиқ [1]. Рижик ёғи озиқ-овқат учун (айниқса, парҳез маҳсулот сифатида) ишлатилади ва турли саноат тармоқларида техник мақсадларда ишлатилади: бўёқ ва лакда - қуритиш мойини тайёрлаш учун, совун тайёрлашда - яшил совун ишлаб чиқариш учун, парфюмерия, косметика саноатида ва тиббий - массаж кремлари, терапевтик косметика, ароматерапиянинг таркибий қисми сифатида [2]. Рижик кунжараси иссиқлик билан ишлов беришдан кейин чорвачилик ва паррандалар учун озуқа сифатида ишлатилади. 100 кг кунжарада 115 озуқа бирлиги, 1 кг - 170 г протеин мавжуд. Рижик етиштириш технологияси оддий ва катта харажатларни талаб қилмайди. Эрта пишиб етилиши бу – экиннинг жуда қимматли биологик хусусияти бўлиб, ҳосилни йиғиш интенсивлигини сезиларли даражада камайитириши мумкин [3-5].

Тадқиқотнинг мақсади Республиканинг жанубий минтақаси суғориладиган ерларида кузги рижикнинг “Пен-

зяк” навидан мўл ва сифатли ҳосил етиштириш, иқтисодий самарадорлиқни, рентабеллик даражасини оширишни таъминловчи етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотлар Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институти Ғузор тажриба хўжалигида олиб борилган. Тупроқ, ўсимлик ва дон таркибидаги умумий NPK ва ҳаракатчан NPK миқдори, оқсил, натура, 1000 дон дон массаси Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институти лабораторияларида аниқланган.

Таҳлил учун тупроқ намуналари «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах» (1963) усуллари бўйича олинган.

Гумус миқдори И.В.Тюрин усулида (ГОСТ-26213); нитрат азоти-ион селектив усулида, ГОСТ-13496-10; умумий азот, фосфор ва калий битта намунада И.М.Мальцева, Л.П. Гриценко усулида; ҳаракатчан фосфор 1% аммоний карбонат эритмасида Б.П.Мачигин усулида; алмашинувчан калий оловли фотокалориметрда П.В.Протасов усулида; сувда эрийдиган тузлар ва қуруқ қолдиқ умумий қабул қилинган услубда, ГОСТ-26423-85, pH сувли сўримда потенциометр ёрдамида аниқланган.

Дала шароитида тупроқнинг зичлиги 500 см³ цилиндр ёрдамида Качинский усули бўйича; солиштира массаси пикнометрик усулида; тупроқнинг ғоваклиги ҳисоблаш усулида; тупроқнинг сув ўтказувчанлиги Качинский усулида бажарилган.

Дала ва лаборатория тажрибалари Бутунроссия Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти услубий қўлланмаси (1985) асосида амалга оширилган. Фенологик кузатувлар ва биометрик таҳлиллар эса Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш давлат комиссиясининг услубий қўлланмаси (1989) бўйича олиб борилган. Ўсимликнинг ўсиши, ривожланишини ўрганиш уруғларни дала унвчанлиги ва ўсимликларни туп қалинлиги: униб чиққанда ва ҳосилни йиғиштиришдан олдин тоқ қайтариқларда доимий кузатиш олиб бориладиган 0,5 м² майдончаларда, пайкалчани диагонали бўйича жойлашган 3 та жойида ҳисоблаб борилган.

Тадқиқот натижалари. Тадқиқотлар давомида рижикнинг “Пензяк” нави чин барг чиқариши 21 октябрда, поя шаклланиши 27 февралда, ғунчалаш бошланиши 17 март саналарида қайд қилиниб, бу фазаларга суғоришлар сони таъсир кўрсатмаслиги аниқланди (1-жадвал).


Гуллаш фазасининг бошланиш даври эса суғоришлар сони таъсирида ўзгариши кузатилди, яъни назорат, **ФОН+1 сув ва ФОН+2 сув вариантларда** гуллаш бошланиши 22 мартда, **ФОН+3 сув ва ФОН+4 сув вариантларда 23 мартда, ФОН+5 сув вариантда** эса 24 март санасида аниқланди.

Фенологик кузатувларда рижик ўсимлиги вегетация даврига суғоришлар сонининг таъсири ўрганилганда, уруғларни ундириб олиш учун суғорилган (ФОН) назорат вариантда вегетация даври 16 октябрдан 10 майга қадар, яъни 206 кун, 1 марта суғориладиган ФОН+1 сув вариантда эса 208 кун бўлганлиги аниқланди (1-расм).



Рыжикнинг сувга бўлган талабини ишлаб чиқиш дала тажрибаси бўйича фенологик кузатув натижалари.

Т/р	Вариантлар	Униб чиқиш, сана	Чин барг чиқариш, сана	Поя шаклланиши, сана	Ғунчалаш бошланиши, сана	Гуллаш бошланиши, сана	Дуккаклан бошланиши, сана	Тўла пишиш, сана	Вегетация даври, кун
1	Нам суви (ФОН)	16 окт	21 окт	27 фев	17 мар	22 мар	30 мар	10 май	206
2	ФОН+1 сув	16 окт	21 окт	27 фев	17 мар	22 мар	30 мар	12 май	208
3	ФОН+2 сув	16 окт	21 окт	27 фев	17 мар	22 мар	1 апр	15 май	211
4	ФОН+3 сув	16 окт	21 окт	27 фев	17 мар	23 мар	1 апр	17 май	213
5	ФОН+4 сув	16 окт	21 окт	27 фев	17 мар	23 мар	2 апр	21 май	217
6	ФОН+5 сув	16 окт	21 окт	27 фев	17 мар	24 мар	2 апр	23 май	219



1-расм. Рыжикнинг “Пензяк” нави вегетация даврига суғоришлар сонининг таъсири.

Шунингдек, вегетация даври давомида 2 марта суғориладиган ФОН+2 сув вариантда 211 кунни, 3 марта суғориладиган ФОН+3 вариантда 213 кунни ташкил қилди. Энг кўп 4 ва 5 марта суғориладиган ФОН+4 сув 217 кун (16 октябрдан 21 майгача) ҳамда ФОН+5 сув вариантларда вегетация даври 219 кун (16 октябрдан 23 майгача) бўлди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бошқа вариантлардагидан суғоришлар сони кўпроқ бўлган ФОН+5 сув вариантда вегетация даври энг узоқ, назорат вариантга нисбатан 13 кун, ФОН+1 сув вариантга нисбатан 11 кун, ФОН+2 сув вариантга нисбатан 8 кун, ФОН+3 сув вариантга нисбатан 6 кун ва ФОН+4 сув вариантга нисбатан 2 кун кўп давом этганлиги аниқланди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Леонард Ч.Е. Рыжиковое масло: потенциальный источник линоленовой кислоты / Пер. из журн.: Inform. - № 9. - сентябрь. - 1998. - 6 с.
2. Лисицын А.Н., Григорьева В.Н. Расширение переработки семян крестоцветных культур и льна для северных регионов России // Масло-жировая промышленность. - 2000. - № 4. - С. 8-10.
3. Прахова, Т. Я. Рыжик посевной (Camelina Sativa (L.) Crantz): монография / Т. Я. Прахова. - Пенза: РИО ПГСХА, 2013. - 209 с.: ил.
4. Прахова, Т. Я. Рыжик масличный - ценная кормовая культура / Т. Я. Прахова // Кормопроизводство. - 2013. - № 8. - С. 45-47.
5. Чекмарев, П. А. Интродукция нетрадиционных масличных культур / П. А. Чекмарев, А. А. Смирнов, Т. Я. Прахова // Достижения науки и техники АПК. - 2013. - № 7. - С. 3-5.

УЎТ: 631.54

РИЖИК НАВЛАРИНИНГ ШОХЛАР СОНИГА ЭКИШ МЕЪЁР ВА МУДДАТЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

Узақов Ғуломжон Оқбутаевич, қ/х.ф.ф.д., к.и.х.,
Аллаева Дилдор Хайитовна, таянч докторант,
Жанубий деҳқончилик илмий- тадқиқот институти,
Сафарова Нилуфар Воҳидовна, катта ўқитувчи,
“ТИҚХММИ”МТУнинг Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти.

Аннотация: Мақолада рижик навларининг 1 туп ўсимлигидаги шохлар сонига экиш муддат ва меъёрларининг таъсири ўрганилганда, экиш муддатларининг кечикиб бориши ҳамда экиш меъёрларининг ошиб бориши 1 туп ўсимликдаги шохлар сонининг камайиб боришига олиб келган.

Калит сўзлар: рижик, “Пензяк”, нав, уруғ, экиш меъёри, муддати, шох, мой.